

ИКТИСОДИЁТ  
ВА  
ТАЪЛИМ

1

2021

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ  
ВА  
ТАЪЛИМ**

**1**

---

**2021**

**Тошкент**

---

# ИКТИСОДИЁТ ТАЪЛИМ

## МУНДАРИЖА

### САНОАТ ИҚТISODIЁТИ ЭКОНОМИКА ПРОМЫШЛЕННОСТЬ

Шарипов К.А., Зайнутдинова У.Д. Абдуллаева С.Х.	Автосаноат корхоналарида самарали маркетинг тизимини қўллаш.....	6
Муминова Н.М.	Тўқимачилик саноати корхоналарида иқтисодий барқарорликни таъминлаш масалалари.....	11
Яхшиев Х.Т.	Миллий ва халқаро тўқимачилик маҳсулотлари бозорида халқаро маркетинг муҳити таҳлили.....	16
Назарматов О.С.	Тўқимачилик корхоналарида стратегик бошқарув самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш.....	21
Омонова Н.Р.	Управление инновационным развитием текстильных кластеров: новые экономические и социальные возможности для Узбекистана.....	24
	Пахта тозалаш корхоналарида ходимларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш.....	33

### МАКРОИҚТISODIЙ СИЁСАТ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКАЯ ПОЛИТИКА

Махмудов Н.М., Азимова Л.С., Авазов Н.Р. Mamurova M.Z.	Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва инвестицион фаолликни ошириш масалалари.....	38
	Fiskal siyosatning mazmuni va uni makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlashdagi o'rni....	48

### БАНК ИШИ БАНКОВСКОЕ ДЕЛО

Назарова М.Н.	Тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари.....	52
Хонтураев Б.А.	Жаҳон мамлакатларининг банк-молия хизматлар соҳасида рақамли маркетинг усуулларидан фойдаланиш ҳолати.....	55
Ибодуллаева М.Т.	Тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари.....	60
Юлдашев Ж.А.	Тижорат банкларида мижозни сегментлашга йўналтирилган маркетинг стратегиясидан фойдаланиш йўллари.....	64

### МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МЕНЕДЖМЕНТ И МАРКЕТИНГ

Алимходжаева Н.Э.	Корхонада маркетинг хизматини такомиллаштириш йўллари.....	70
Касимова Ф.Т.	Маркетинг в условиях развития конкурентных рынков в малом бизнесе и предпринимательстве.....	74
Амиркулов А.З.	Корпоратив тузилмаларнинг ривожланиш маркетинг стратегиясини шакллантиришини такомиллаштириш.....	78
Абдиева Да.А.	Разработка стратегий международного маркетинга швейно-трикотажной продукции.....	83
Матрасулов Б.Э.	Бошқарув қарорларини қабул қилишда бевосита ва билвосита харажатларни тақсимлаш муаммолари.....	87

### КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ КОРПОРАТИВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ

Дехканов Ш.А.	Корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини оширишнинг илғор хориж тажрибалари.....	92
---------------	---	----

### КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК МАЛЫЙ БИЗНЕС И ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО

Шарипов Қ.Б.	Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари.....	96
Ашировоев Э.А.	Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни статистик баҳолаш.....	104
Tursunova M.R.	Bozor iqtisodiyoti sharoitida kichik biznesni intensiv rivojlanish strategiyasi va yalpi ichki maҳsulot hajmini oshirishning samarali yo'llari.....	108
Мамаюсупова Да.Б.	Давлат-хусусий шерикларининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари.....	112
Надирханов У.С.	Развитие совместного предпринимательства в Республике Узбекистан: основные формы, тенденции, перспективы.....	117
Шадиева Г.М.	Оила тадбиркорлигини ривожлантиришда инновацияларнинг айрим назарий жиҳатлари.....	121
Умарова Х.У.	Ижтимоий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш - Ўзбекистонда ёшлар сиёсатининг муҳим жиҳати.....	126

**МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР  
ФИНАНСЫ И НАЛОГИ**

Дустов Ф.И.	Венчур молиялаштиришнинг халқаро тажрибаси: АҚШда венчур молиялаштиришнинг институционал жиҳатлари.....	131
Мусалимов Ш.И.	Жисмоний шахсларнинг қўчмас мулккини солиқса илғор хориж тажрибаси ва уни мамлакатимизда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	136
Урманбекова И.Ф.	Корхоналар молиявий ресурслари, уларнинг зарурияти ва шакллантириш асослари.....	142

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ  
СФЕРА УСЛУГ**

Джураева Д.Д.	Хизматлар соҳасини ривожлантиришда инновацион салоҳият ва ёндашувларни тадқиқ этишининг методологик масалалари.....	148
Исмаилова Н.С., Исаев Қ.А., Ҳамидов И.И. Саттаров Ш.Х.	Ўзбекистон транспорт коридорлари кенгайиши доирасида бир макон бир йўл лойиҳаси амалга ошишининг замонавий тенденциялари.....	156
	Хизмат кўрсатиш корхоналарида харажатларини камайтириш ва ундан олинадиган фойдани кўпайтириш асосида самарадорликни ошириш.....	171

**ТАЪЛИМ  
ОБРАЗОВАНИЕ**

Салихов Н.Д.	Мактабгача таълим ташкилотини бошқаришда ташкилий-хукуқий усулларнинг аҳамияти.....	175
Хакимов Н.Х., Абдумаликов А.А. Хакимов Ф.Қ.	Совместные международные образовательные программы как важная форма подготовки высококвалифицированных кадров в Узбекистане.....	181
Сафаров О.А.	Олий таълим муассасаси таълим сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари.....	187
	Таълим тизими бошқарувида стратегик менежмент механизмлари ва бошқарув моделларининг ўрни.....	190

**ДЕМОГРАФИЯ, МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ  
ДЕМОГРАФИЯ, ЭКОНОМИКА ТРУДА**

Юсупов Р.А. Базарова Г.Г. Абдурамонов Ҳ.Ҳ.	Камбағалликнинг мазмуни, сабаблари ва асосий кўрсаткичлари.....	197
	Худудий меҳнат бозорини ривожлантиришнинг кластер шаклини яратиш.....	201
	Хорижий мамлакатларнинг эрта турмуш ва эрта тугрук ҳолатларини олдини олиш борасидаги тажрибалари.....	207

**МИНАҚА ИҚТИСОДИЁТИ  
РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА**

Ғаффоров У.У.	Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашда қашқадарё вилоятини комплекс ривожлантириш ва инвестицион муҳит самарадорлигини ошириш.....	213
---------------	--	-----

**КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ  
ЭКОНОМИКА ПРЕДПРИЯТИЯ**

Махкамбоев К.А.	Автотранспорт корхоналари иқтисодий салоҳияти кўрсаткичлар бўйича рейтинг натижасининг қиёсий таҳлили.....	217
-----------------	--	-----

**ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ  
ЭКОНОМИКА СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

Топилдиев С.Р. Амиролов Л.Ф. Маматкулов Б.Ҳ.	Мамлакатимизда аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизmlарини такомиллаштириш йўллари.....	221
Кушаров З.Қ. Мирзаев С.А. Мирзаев А.Қ.	Аграр сектори барқарор ривожлантиришнинг услубий жиҳатлари.....	224
	Фермер ҳўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш - камбағалликни қисқартишишнинг устувор йўналишларидан биридир.....	232
	Турли ҳўжалик юритиши шаклларидағи қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида гўшт ишлаб чиқаришнинг аҳамияти.....	238
	Қишлоқ ҳўжалиги тизимида техник хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	241
	Суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий-экологик самарадорлиги.....	244

**РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ  
РЕКРЕАЦИЯ И ТУРИЗМ**

Мамаджанов А.А. Мўминов Ҳ.И., Абдуллаева Ҳ.	Ўзбекистонда туризм ёрдамчи ҳисоби жадвалларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш.....	248
	Пандемиянинг Ўзбекистон туризми ривожланишига таъсири.....	253

### ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТ ВА ЁНДАШУВЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Джусураева Дилноза Даврон қизи -  
Бухоро давлат университети тадқиқотчиси

**Аннотация.** Мазкур мақолада хизматлар соҳасини ривожлантиришда инновацион салоҳият ва ёндашувларни тадқиқ этишининг методологик масалалари кўриб чиқилган бўлиб, инновация фаолияти инфраструктурунин шакллантириш, шу асосда илмий ишланмаларни иқтисодиётнинг тегиши соҳа ва тармоқларига жорий этиши кўламини ошириш асосида янги хизматлар турларини кўпайтириш юзасидан илмий асосланган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш ва тижоратлаштиришининг амалий механизмларини кучайтириш асосида инновацион хизматлар номенклатурасини кенгайтириш масалалари ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** инновация, инновацион ёндашув, илмий ишланмалар, янги хизмат турлари, тижоратлаштириши, инновацион инфраструктура.

**Аннотация.** В статье рассматриваются методологические вопросы исследования инновационного потенциала и подходов к развитию сферы услуг, разрабатываются научно обоснованные предложения и рекомендации по увеличению спектра новых услуг на основе формирования инфраструктуры инноваций, внедрения научных разработок в соответствующие отрасли и отрасли. Освещены вопросы расширения спектра инновационных услуг на основе усиления интеграции науки, образования и производства и усиления практических механизмов коммерциализации.

**Ключевые слова:** инновации, инновационный подход, научные разработки, новые виды услуг, коммерциализация, инновационная инфраструктура.

**Annotation.** The article deals with methodological issues of researching the innovative potential and approaches to the development of the service sector, developing scientifically based proposals and recommendations for increasing the range of new services based on the formation of infrastructure for innovation, the introduction of scientific developments in the relevant industries and industry. The issues of expanding the range of innovative services on the basis of strengthening the integration of science, education and production and strengthening the practical mechanisms of commercialization are highlighted.

**Key words:** innovation, innovative approach, scientific developments, new types of services, commercialization, innovation infrastructure.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида ҳар бир давлатнинг ҳалқаро рақобат жараёни шартларига тез мослашуви унинг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Бинобарин, ривожланган давлатларнинг асосий устунлиги – илм-фанинг юксак тараққий этганлиги билан боғлиқ. Шу жиҳатдан, давлатнинг бутунги ва истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи омиллар айнан илм-фан соҳасини изчил ривожлантириш билан белгиланади.

Инновацион иқтисодиёт учун нафакат янги илмий ва техник билимларни яратишнинг ўзи, балки хўжалик фаолиятида илмий-техник ютуқлардан, яъни инновацион фаолият натижаларини қай даражада ва қанчалик тўлиқ фойдаланиш ҳам мұхим аҳамиятга эга.

Айнан шу иқтисодий ўсишнинг мұхим омили ва истеъмолчи учун рақобатчилик курашининг асосий воситаси бўлиб бормоқда. Инновациялар, инновацион фаолият бугун иқтисодий ўсишнинг стратегик омили эканлиги ва мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодиётининг тараққий этишида фундаментал рол ўйнашини ҳамма бирдек эътироф этади. Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари ҳамда инновациялар соҳасига жамият борган сари кўпроқ моддий ва инсон ресурсларини жалб этмоқда. “Инновация” атамаси бутунги кунда жуда

кенг кўлланилиши унинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бўлган қизиқишлиарни янада кучайтиromoқда. Шу сабабдан мазкур атаманинг иқтисодий мазмун-моҳиятини тадқиқ этган ва очиб берган айrim иқтисодчи-олимларнинг қарашларини ўрганиш мұхим.

Ҳалқаро тажрибада инновацион жараёнларни ташкил этиш бўйича турли жиҳатларни Д.Аржибуджи, Ж.Ховелс, Д.Белл, ПюДрукер, Б.Лундвал, Н.Мазур, Р.Нелсон, В.Иванов, Й.Шумпетер, Р.Фатхуддинов, Н.Розенберг А.Поршнева, К.Пузня, А.Румянцева ва бошқа олимлар ишларида топиш мумкин. Таниқли Й.Шумпетер, Г.Менш, Дж.Форрестер ишларида иқтисодий ўсишнинг инновацион таркиби концепциясини таъминловчи макроиктисодий моделлар механизмлари ишлаб чиқилган.

Инновацион салоҳиятни шакллантириш ва унинг бошқарув тизимига бағишлиланган жуда кўп илмий ишлар мавжуд, буларга В.Громеки, Г.Добров, Ю.Копигин, А.Медведев, В.Соловьев ишларини киритиш мумкин. Инновацион ривожланиш қонуниятларини ўрганишга катта ҳисса кўшган хорижлик олимлар: Дж.Гелбрейт, П.Друкер, Т.Кун, Б.Санто, Д.Сахал, О.Тоффлер, шунингдек, методологик ёндашувлар: Р.Нельсон, С.Уинтернинг инновацион ўзгаришлар, иқтисодий ривожланиш, ташкилот ва институтлар таҳлили эволюцион иқтисодий назарияси; М.Пор-

## ХИЗМАТ КҮРСАТИШ

тернинг халқаро рақобат модели; Г.Менш, Р.Фостер, К.Фримен, К.Переснинг инновацион ва технологик парадигмалар назарияси ва К.Пэвittт, Ф.Шенэнинг илмий-техник ривожланиш тармоқ йўналишлари; Р.Вернон, Дж.Даннинг, К.Тьюгенхдэт, Д.Джонстон, Дж.Стопфорднинг чет эл инвестициялари ва инновацион технологияларни трансфер қилиш назариялари муҳим илмий манба ҳисобланади.

Ўзбекистонда инновация фаолиятини ривожлантириш ва бошқарув тизимиши ўрганиш бўйича С.С.Гуломов, А.Ш.Бекмуродов, Б.Беркинов, Ш.Н.Зайнутдинов, Н.Қ.Йўлдошев, Б.Қ.Ғойибназаров, М.А.Маҳкамова, И.Қ.Мирзаев, А.Ф.Расулов, А.М.Қодиров, Ш.Отажонов, А.Умаров ва бошқа олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар[1].

Муайян янгилик даражасини баҳолаш ва конъюнктура силжишларининг амплитудаси ва давомийлигини аниқлаш учун Й.Шумпетер янгилик мезонини киритди, ва ушбу мезон мазкур туркумлаштириш асосини ташкил этди.

Кейинчалик, 1930-йилларда Й.Шумпетер томонидан инновация тушунчasi киритилди, ва у маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, етказиш жарайёнларида янги ёки такомиллаштирилган техник, технологик, ташкилий характердаги қарорларни кўллаш оқибатида мумкин бўлган ўзгаришларни билдирап эди. Инновациянинг ушбу таърифи ва Й.Шумпетернинг ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациялари тўғрисидаги концепцияси инновациялар назариясига бўлган иккита энг тарқалган ёндашувдан бирининг асосини ташкил этади.

И. Шумпетернинг таъкидлашича, «депресия даврида юз берадиган жараёнлар ишончсизлик ва тартибсизликларни ифода этади, буларни биз янги мувозанатни излаш, умумий вазиятларнинг нисбатан жадал ва жиддий ўзгаришларига мослашув сифатида тушунамиз»[2].

Хусусан, рус иқтисодчи-олими Балабанов И.Т. фикрига кўра: «инновация – назорат, ҳисоб, режалаштириш усули, таҳлилга қабул қилишнинг янги шакллаларини қамраб олган ҳолда янги техника ва технологияга, ишлаб чиқариш, меҳнат, хизмат кўрсатиш, бошқаришни ташкил этишининг янги шаклига капитални киритишдан олинган моддийлашган натижани ўзида намоён этади»[3]. Шунингдек, Борисов А.Б. инновацияларни қуидагича таърифлайди: «инновация технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатиш, янги ташкилий шаклларни жорий этишга қаратилган ижоий фаолият натижасини англатади». В.Г.Медынский олиб борган изланишлари асосида қуидаги хulosага келган: «инновация сифатида олиб борилган илмий-тадқиқот ёки аввалгига ўхшаш туридан сифат жиҳатдан фарқ қилувчи янги-

сининг яратилиши натижасида ишлаб чиқаришга жорий этилган объект тушунилади».

Фатхутдинов Р.А. эса «инновация – объектни бошқаришни ўзгартириш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техникавий ва бошқа турдаги самарани олиш мақсадида янгиликни жорий этишининг якуний натижаси», деб баҳолайди[4]. Шунга ўхшаш таърифни В.Л.Попов томонидан ҳам берилган бўлиб, унга кўра: «Инновация – бозорда сотиладиган янги турдаги ёки такомиллашган маҳсулотнинг, амалиётда фойдаланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараённинг амалга оширилишини ҳосил қилувчи инновация фаолиятининг якунний натижаси» дейилган[5]. Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар ҳам «инновация» атамасининг иқтисодий мазмун-моҳиятини очиб бериш бўйича катта изланишлар олиб боришган ва ўзларининг замонавий талқиндаги таърифларини ишлаб чиққанлар. Шулар жумласида иқтисодчи-олимлар Р.И. Гимуш, Ф.М. Матмуродовлар томонидан инновация деганда «янгилик ва янгилик киритиш деган маънони билдиради. Бу янгилик замарида янги тартибни, янги одатни, янги услубни, кашфиётни тушуниш лозим», дея таъриф берилган[6]. Б.Э.Тошмуродова, Н.Жияновлар фикрига кўра: «инновация тушунчasi ўз ичига фақат техник изланишларни олмасдан, балки корхона иши усулидаги барча яхши ўзгаришларни (янги хизматлар, пастроқ нархлар белгилаш ва бошқа мижозлар учун қулай шароитлар яратиш) олади»[7].

Табиийки, бунда ишлаб чиқариш кучларининг ушбу қисмини мақсадли бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш масаласи юзага келади. Шу билан бирга, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект инновацион салоҳиятининг жамиятнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашдаги роли ҳам ўзгаради.

Шу жиҳатдан, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида инновациялар ролининг, инновацион жараёнларни амалга оширишнинг йўналишлари ва механизmlарининг ўзгариши кузатилмоқда. Бунда инновация иқтисодиётнинг интеллектуаллашувига асосланган иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи, ҳаракатлантирувчи кучига айланаб бормоқда. Шу муносабат билан бугунги шароитларда фақат инновацион, айнан илмий, юксак технологияли, малакали ишчи кучида рўёбга чиқкан билимларга асосланган иқтисодиётгина рақобатбардош бўла олиши мумкин.

Амалга оширган таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йил мобайнида жами 304 та ташкилот илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни бажарган. Иқтисодий фаолият турлари бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни бажарган ташкилотлар сони бўйича асосий улуш кас-

## ХИЗМАТ КҮРСАТИШ

бий, илмий ва техник фаолиятда 177 та, таълимда 67 та, ишлаб чиқариш саноатида 11 тани ташкил этди.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни бажарган ташкилотларни секторлар кесимида кўриб чиқадиган бўлсак давлат секторида 118 та, тадбиркорлик секторида 121 та, олий таълим секторида 64 та ва хусусий нотижорат секторда 1 та ташкилот акс этган.

Маълумки, инновация деб янги кўринишда маҳсулот (товар, иш, хизмат) яратилишини ёки такомиллаштирилиши-ни, ишлаб чиқариш жараённинг янги кўриниши жорий қилинишини ёки ушбу жараённинг такомиллаштирилишини, бизнесни юритиша янги маркетинг ёки ташкилий усулларнинг жорий қилинишини, иш ўринлари ташкил этишни ёки ташқи алоқалар ўрнатилишини ўзида мужассамлаштирган инновацион фаолиятнинг якуний натижаси тушунлади.

Инновацияларнинг учта асосий турлари мавжуд: булар технологик, маркетинг ва ташкилий инновациялар. Технологик инновациялар деганда ташкилотнинг технологик янги маҳсулотлар ва жараёнларни, шунингдек маҳсулотлар ва жараёнларда сезиларли даражада такомиллаштиришларни, технологик янги ва сезиларли даражада такомиллаштирилган хизматларни, хизматлар ишлаб чиқарилиши (етказиб берилиши) бўйича янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган усулларни ишлаб чиқиши ва жорий этиш билан боғлиқ фаолияти назарда тутилади. Технологик инновациялар ташкилотлар томонидан биринчи маротаба ишлаб чиқилаётган маҳсулотлар, жараёнлар, хизматлар ва усуллар шаклида ёки бошқа ташкилотлар томонидан кўлланилаётганлари ҳам бўлиши мумкин.

Маркетинг инновациялари деганда янги ёки сезиларли яхшиланган маркетинг услубларини жорий этиш тушунлади. Булар ўз ичига: маҳсулотларнинг дизайнни ва қадоқланишида жиддий ўзгартиришлар; маҳсулотларни сотиш ва тақдимоти бўйича, шунингдек уларни бозорларга танитиш ва олға силжитиш бўйича янги услублардан фойдаланиш; янги нарх стратегияларини шакллантиришни олади. Бу ўзgartиришлар маҳсулот истеъмолчиларининг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, сотиш ҳажмини кўпайтириш мақсадида маҳсулотлар ва хизматлар истеъмолчиларининг таркибини қенгайтиришга йўналтирилган бўлади.

Ташкилий инновациялар – бу бизнесни юритиша, иш ўринларини ёки ташқи алоқаларни ташкил этишда янги услубларни ишлаб чиқишидир. Бундай инновациялар бошқарув ва трансакцион харажатларни қисқартириш, таш-

килот томонидан ишчиларнинг иш ўринлари (иш вақтлари) билан таъминланганлик даражасини ошириш, меҳнат самарадорлигини ошириш, бозорда мавжуд бўлмаган активларга йўл топиш ёки етказиб бериш нархини камайтириш йўли билан ташкилот фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлади.

2019 йилда иқтисодий фаолият ва иш турлари бўйича ташкилотлар томонидан бажарилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалар ҳажми 853404,4 млн сўм ни ташкил этиб ушбу кўрсаткич 2017 йилда 680038,0 млн сўмни ташкил этган. Бажарилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалар сони жами 17845 тани ташкил этиб улардан 3357 таси кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилди.

2019 йилда фан соҳалари бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига харажатлар 602281,4 млн. сўмни ташкил этди, 2017 йилга нисбатан 73503,9 млн. сўмга ортган.

Корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолияти бўйича 2019 йилда ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони 3916 тани ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 772 тага ортган. Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг юқори улуш ишлаб чиқариш саноатида кузатилиб 2033 та ташкилотда инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарилган. Ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми (КҚС ва акцизиз) жами 26811437,5 млн. сўмни ташкил этди.

2017 йилга нисбатан тақдосланганда, технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар, молиялаштириш манбалари бўйича 1896263,1 млн.сўмга ортиган, жами 6603474,9 млн.сўмни ташкил этди. Ижобий ўзгариш сифатида тижорат банкларининг кредитлари ёрдамида 1060055,4 млн.сўм маблағ молиялаштирилганини кузатиш мумкин, ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 558513,0 млн. сўмга ортган. 2019 йилда жорий қилинган инновациялар сони жами 4427 тани ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 1945 тага ортган. Жами жорий қилинган инновацияларнинг 3543 таси маҳсулотлар, 884 таси жараёнлар бўйича, 128 таси маркетинг ва 13 таси ташкилий инновациялар.

Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта захиралардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35 фоизни ташкил этади. Халқаро меҳнат ташкилоти таҳлилларига кўра, сервис индустрисининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қўйсантиради (1-жадвал).

## ХИЗМАТ КҮРСАТИШ

1-жадвал

**2019 йилда ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарған ки chick корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсаткичлари[8]**

	Жами	Шундан:		
		2019 йилда биринчи марта ўзлаштирган	2017-2018 йилларда биринчи марта ўзлаштирган	2017-2019 йилларда такомиллаштирган
<b>Жами</b>	<b>3753</b>	<b>1864</b>	<b>1389</b>	<b>654</b>
<i>шу жумладан иқтисодий фаолият турни бўйича:</i>				
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўялиги	101	50	29	24
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	75	43	30	5
Ишлаб чиқариш саноати	1979	1086	792	197
Электр, газ, буғ билан таъминлаш	4	2	-	2
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йигиш	19	8	10	2
Курилиш	250	111	94	53
Улгуржи ва чакана савдо	616	293	175	160
Ташни ва сақлаш	92	40	25	29
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	117	43	38	37
Ахборот ва алоқа	92	37	33	31
Молиявий ва суғурта фаолияти	27	5	17	5
Кўчмас мулк билан операциялар	59	33	16	13
Касбий, илмий ва техник фаолият	84	26	32	32
Бошқарув ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш фаолияти	72	22	31	22
Таълим	22	12	9	2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш	62	19	25	23
Санъат, кўргил очиш ва дам олиш	17	7	8	3
Иқтисодий фаолиятнинг бошқа турлари	65	27	25	14

Бу хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринлари яратиш бўйича жуда катта имкониятлар борлигидан далолат беради. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур йўналишда камида 160 минг кўшимча иш ўрни яратиш мумкин.


Масалан, ҳозирги кунда Тошкент шаҳри, Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятларида ахборот технологиялари соҳасида ишига 50 минг доллар экспорт қиласидан ва Top Talent рейтингининг энг юқори 3 фоизига кирадиган 21 та ёш фрилансер дастурчи бор.

Ҳозирги кунда ҳар бир туман ва шаҳар кесимида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиши амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, тармоқни тартибга солиш, ундаги методология ва статистика маълумотларини халқаро стандартларга мослаштириш вазифаси кўйилди. Соҳани ривожлантириш молиявий кўмаксиз бўлмайди. Шу боис хизмат кўрса-

тиш лойиҳалари учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар ёки 1 трillion сўмдан зиёд кредит ресурслари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу маблағлар ҳам давлат, ҳам хусусий банклар орқали ажратилиди ва кредит ставкаси 15 фоиздан ошмайди.

Худудлар раҳбарлари бу имкониятдан самарали фойдаланиб, хизмат кўрсатиш соҳасида кўп иш жойи яратадиган ва тез амалга ошириладиган лойиҳаларни шакллантириши зарурлиги таъкидланди. 2019 йилда ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг ўзлаштириш даражаси бўйича таснифланиши 1-расмда келтирилган.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, сўнги йилларда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва буни таҳлил қилиб боришга жонда алоҳида аҳамият қаратилмоқда.



**1-расм. 2019 йилда ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг ўзлаштириш даражаси бўйича таснифланиши, %**

*Манба:* Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган.

## ХИЗМАТ КҮРСАТИШ

Bloomberg дунёning энг инновацион иқтисодиётлари рейтингини тақдим этди. Рейтинг тузишда Bloomberg эксперлари етти мезонга асосланиши - тадқиқотларга кетган харжатлар, ЯИМнинг фоизлардаги ишланмаси, ЯИМдаги технологик ишлаб чиқариш қиймати, саноатдаги самарадорлик, мамлакатдаги юқори технологиялар секторидаги компаниялар сони, хизматлар кўламининг ривожланганини, професионал тадқиқотчилар ва патентлар сони.

Ушбу рейтингда ғолибликни кўлдан бой бермаган Жанубий Корея яна биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўрин ишлаб чиқариш кўрсаткичлари яхшиланган Швецияга насиб этди, мамлакат ўтган йилги натижага нисбатан бир поғона юқорилади. Учинчى ўринни Германия эгаллади, мамлакат бу йил Швециядан фарқли ўлароқ, бир поғона пастлади. Швейцария бир поғонага кўтарилиб, тўртингчи ўринга муносиб кўрилди. Икки поғона кўтарилган Финляндия эса бу йилги рейтингда бешинчи ўринда қайд этилди. Сингапур ўз ўрнини сақлаб қолиб, бу йил ҳам олтинчи ўринни банд этди. Япония ўтган йилги позициясини ўйқотиб, уч поғона пастла-ди ва еттинчи ўринни эгаллади. Бир поғонага кўтарилган Дания саккизинчи ўринда қайд этилди. Тўққизинчи ўринни бир позиция паст-лаган Америка Кўшма Штатлари банд этди. Куч-ли ўнлик рўйхатига ўтган йилги рейтингда 11-ўринни эгаллаган Ироил давлати якун ясади.

Хозирда инновацион тараққиётда анъанавага кўра инновацияларнинг чизиқли модели етакчи роль ўйнаб келмоқда. Ушбу моделга кўра ишлаб чиқилган фундаментал илмий гоя амалий тадқиқотларда рўёбга чиқади. Амалий тадқиқотлар инновацияларнинг асосини ташкил этиб, уларни амалга ошириш натижасида илгор технологиялар пайдо бўлади. Ушбу модель XX асрда ишлаб чиқилган бўлиб, ривожланган мамлакатларда 21 асрда ҳам аввалгидек муносиб ўрин эгаллаб бораверади. Ривожланган мамлакатларда чизиқли моделга кўшимча равишда аста-секин «инновация манбалари модели» жорий қилинаётган бўлиб, унга мувофиқ равишда инновациялар инновацион тизимнинг исталган қисмida пайдо бўлиши мумкин.

Илмий тадқиқотлар инновацияларнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолаётган бўлишига қарамай, эндиликда улар ягона омил бўлмай қолди. Шу муносабат билан илмий-тадқиқот ташкилотларининг анъанавий ролини қайта кўриб чиқиши зарурдир. Янги билимлар нафақат давлат тадқиқот ташкилотларида ёки компанияларнинг тадқиқот бўлинмаларида, балки кўпгина социал (ижтимоий) тузилмаларда ҳам яратилмоқда. Муҳандислар, сав-

до агентлари ва бошқа ёлланма ишчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам янги кундалик тажрибаси ва фаолияти инновацион жараёнга қўшилган муҳим ҳисса бўлиб хизмат қиласи. Ишлаб чиқариш, савдо ва истеъмол соҳасидан келиб тушаётган гоя ва таклифлар асосида янгиликларнинг пайдо бўлиши иқтисодий агентлар ўртасидаги ўзаро алоқалар тараққий этган тизимлар учун характерлидир.

Бундан ташқари, инновацион жараён фақат технологиялар соҳаси билангина чекланиб қолмай, балки институционал, ташкилий ва бошқарув инновацияларини ҳам ўз ичига олади. Бу билимларни мавжуд анъанавий концепцияларга амалда мослаштиришнинг, баъзан эса уларнинг доираларига мос туширишнинг имкони ўйқ. Улар муайян тармоқд банд бўлган субъектларнинг номоддий активларидир; компаниилар мазкур билимларни имкон қадар самарали равишда фойдаланишга уринишлари лозим. Тўпламли инновация манбалари модели элементлар хилма-хиллигини максимал ҳисобга олинган ҳолда ривожланиш ва уларнинг ижодий ҳамкорлиги учун қулай шарт-шароитлар яратиш механизми учун мўлжаллангандир.

Хизматлар соҳасида инновацияларнинг икки асос моделларининг таҳлилига кўра, норматив (меъёрий) ва субъектив ёндашувларнинг оптимал уйғунлигини топиш муаммоси ҳамон диққат марказида қолиб келмоқда. Бу муаммони ҳал қилишда қўпчилик ҳолларда икки парадигма – «инновацияларни кўллаб-куватлаш» ва «муайян инновацион фаолият субъектларини кўллаб-куватлаш» ўртасидаги англаб бўлмас зиддият пайдо бўлади.

Тъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур парадигмаларни муқобил (альтернатив) омил деб қараш керак эмас, балки улар бир-бирини тўлдириб бориши лозим. Бу эса «муаммолаштириш макони» кенгайтирилган ва юқорида зикр қилинган ҳар икки ёндашувни айрим масалаларни ҳал қилишнинг хусусий стратегиялари сифатида ўз ичига оловчи парадигмага ўтилган тақдирдагина мумкин бўлади. Бизнингчча, буни субъектга йўналтирилган ёндашув доирасида амалга ошириш мумкин. Унинг принципиал хусусиятларидан бири тадқиқот, лойиҳалаштириш ва бошқарув объектларининг алмашинишидан иборат бўлиши лозим бўлиб, умуман фаолият тизимлари ҳам, уларнинг ўз фаолиятини ривожлантиришда фаол иштирок эттаётган субъектлари ҳам ушбу объектларга айланиши мумкин.

Амалга оширилган асосида хизматлар соҳасида инновацияларни ривожлантиришга таъсир кўсатувчи омиллар ажратилди ва гурухланди (2-жадвал).

## ХИЗМАТ КҮРСАТИШ

2-жадвал

### Хизматлар соҳасида инновацияларни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар таҳлили


Омиллар гурухи	Фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар	Фаолиятга хизмат кўрсатувчи омиллар
Техник-иқтисодий омиллар	Рискли лойиҳаларни молиялаштириш учун маблағлар етишмаслиги; моддий ва илмий-техник базанинг заифлиги, захира қувватлари йўқлиги; жорий ишлаб чиқариш манбаатларининг устунлик қилиши	Молиявий ва моддий-техник воситалар захираси; зарурй хўжалик ва илмий-техник инфратузилма; инновацион фаолият учун моддий рағбатлантириш мавжудлиги
Юридик	Монополияга қарши қураш, солик, амортизация, патент-лицензия қонунчилиги томонидан юридик чекловлар	Инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи қонун чоралари
Ташкилий-бошқарув	Ташкилий-бошқарув структуралари, керагидан ортиқча марказлашув, иерархия тамойиллар консервативлиги, вертикаль ахборот оқимлари устунлиги, тармоқларо ва ташкилотларро ўзаро алоқалар мураккаблиги, қисқа муддатли қоплашга йўналганлик; инновацион жараён майдонлари манбаатларини мувофиқлаштириш қийинлиги	Ташкилий структуралар мослашувчанлиги, бошқарувнинг демократик услуби, горизонталь ахборот оқимлари устунлиги; режалаштириш индуктивлиги, номарказлашув, мустақиллик, мақсадли ва муаммоли гурухлар шакллантириш
Ижтимоий-психологик	Мақомнинг ўзгариши, янги иш қидириш зарурати, шаклланган фаолият усусларини қайта куриш, хулк-атвор стереотипларини бузишга қаршилик кўрсатиш; ташқаридан келадиган барча янгиликларга қаршилик кўрсатиш	Маънавий рағбатлантириш, жамиятда тан олиниш, шахсий камол топиш имкониятларини таъминлаш, ижодий меҳнатни озод қилиш
Институционал (расмий ва норасмий)	Инновацион ривожланишининг институционал меъёллар иқтисодий дисфункцияси билан асосланадиган инновацион ривожланиш трендлари ва мавжуд меъёллари структураси. ўртасида қарама-қаршиликлар.	Инновацион фаолискини рағбатлантирадиган янги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган институционал меъёлларни шакллантириш

*Манба:* муаллиф ишланмаси.

Иқтисодий ривожланишининг янги концепциясини шакллантиришда инновациялар ролига тақдим этилган нуқтаи назар ташки беқарорлик шароитларида тизимни унинг учун қулай бўлган ва ўзини-ўзи ташкил қилиш жараёнини ишга туширадиган ривожланиш йўлларидан бирига ундашга қодир бўлган бошқарув таъсири аҳамиятини ажратиб кўрсатишга имкон беради. Миллий хўжалиқда инновацион тартибига солиш институтлари тизими ижти-

мой-иқтисодий устуворликларга мувофиқ шаклланади.

Республика иқтисодиётида хизматлар соҳасини ривожланишиш ва инновацияларни жорий этиш тизимидағи динамик жараёнлар устидада олиб борилган таҳлиллар унинг айrim секторларидаги узилишларни аниқлашга ва инфратузилма обьектларини шакллантиришга дифференциялашган ёндошув зарурлигини исботлашга имкон берди (2-расм).



**2-расм. Хизматлар соҳасида инновацияларни ривожланишиш механизмлари**

*Манба:* муаллиф ишланмаси.

Уларнинг фаолиятида аниқланган ўзига хос ҳусусиятлар уларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш механизмидан фойдаланиш кераклигидан далолат бермоқда.

Хизматлар соҳасида инновацияларни ривожланишишда инновацион инфратузилмани шакллантириш механизми қуйидаги тамойилларга асосланган бўлиши лозим:

- юқори қўшилган қийматли, юксак технологияга асосланган, рақобатбардош инновацион хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, бунда асосий эътиборни мавжуд илмий-тадқиқот муассасалари, саноат корхоналари ва кредит-молия ташкилотларига қаратиш;

- инновацион лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни ва барқарор алоқаларни

таъминловчи инфратузилма обьектларининг яхлит мажмуасини барпо этиш.

Бизнинг фикримизча, хизматлар соҳасида инновацион фаолиятини бошқариш усули – бу бошқарувчи тизимишинг бошқарув объектига таъсир кўрсатиб, у ўз ичига инновацияларни, инновацион жараённи ва инновацияларни сотиш муносабатларни олади. Инновацияларнинг асосий моҳияти ҳар доим уларга қўйиладиган инвестицияларнинг ҳаракати билан боғлиқдир. Шу сабабли, хизматлар соҳаси инновацион фаолиятини бошқаришнинг барча усуллари бозорда инновациларнинг ҳаракатланиши жараёнида юзага келадиган пул муносабатларига асосланади. Демак, хизматлар соҳаси инновацион фаолиятини, бошқариш усулларининг умумий мазмуни бўлиб, бир томондан инновацияни ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи ўртасида юзага келадиган пул муносабатларининг инновацияга таъсири ҳисобланса, бошқа томондан, ушбу инновациянинг харидори ўртасида юзага келадиган пул муносабатларининг инновацияга таъсири ҳисобланади.

Хизматлар соҳаси инновацион фаолиятини бошқариш усулларининг таъсири янгиликларни ишлаб чиқариш ёки сотиш соҳасига йўналтирилиши мумкин. Ушбу йўналишлар инновацион жараённинг структурасини белгилайди.

Хизматлар соҳаси инновацион фаолиятини бошқариш усулларини қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: фақат инновацияни ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатадиган усуллар; инновацияни ишлаб чиқаришга, ҳам уни сотиш, олдинга силжитиш ва тарқатишга таъсир кўрсатадиган усуллар; фақат инновацияни сотиш ва тарқатишга таъсир кўрсатадиган усуллар.

Хизматлар соҳаси инновацион фаолиятини бошқариш усулларининг иккинчи гуруҳи инновация инженеринги, инновация реинженеринги ва бренд-стратегия каби усулларни қамраб олади.

Учинчи гурух таркибига нархни бошқариш усули, бозорни эгаллаш ва менежер кабилалар киради. Ушбу гуруҳдаги барча усулларнинг буш мақсади – инновацияларни жорий этишда катта манфаат ва самарадорликка эришишдир.

Инновация муҳитининг бугунги аҳволи қисқа муддатларда хизматлар соҳасининг инновацион даражасини оширишга имкон бермайди. Шу сабабли уни ривожлантириш учун давлатнинг кўллаб-кувватлаши зарур. Демак, давлат томонидан хизматлар соҳаси субъектларига инновацион ғоя, ҳамда юқори технологияларни жорий қилишда кўпроқ имтиёз берилиши инновацияларни хизматлар соҳасидаги натижаси юқори самара беради.

Мамлакатимизда хизматлар соҳасининг инновацион фаолиятинни ривожлантириш учун

бир қатор муҳим вазифаларни амалга ошиш зарур. Булардан, биринчиси, хизматлар соҳасининг илмий-техникавий ахборотдан фойдаланишдаги юқори трансакцион ҳаражатларни камайтириш, хизматлар соҳаси корхоналари учун янги технологияларни синовдан ўтказиш, инновацион ишланмалар ва уларни жорий қилиш учун ўз ресурсларини таклиф қилувчи молиявий ва инвеститция институтлар бозорини (венчур фирмалари, модернизация фондлари ва технологиялар трансфери хизматлари ва ҳ.к.) ташкил этишни раҳбатлантириш “фан-таълим-ишлаб чиқариш” интеграциясини самарадорлигини ошириш. Иккинчидан, хизматлар соҳаси субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш учун ахборот-маслаҳат таъминоти тизимини ислоҳ этишни чуқурлаштириш, бизнесга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тизимини яхшилаш.

Учинчидан, хизматлар соҳаси субъектлари инновацион фаолиятининг самарасини ошириш борасида инновацион маркетингини кенг тадбиқ этиш, ривожланаётган бозор жараёнларида рақобатбардош янги технологияларни яратиш ва уларни жорий этишни тижоратлаштириш масалаларини тезда ҳал қилиш. Тўртинчидан, хизматлар соҳасининг инновацион фаолиятини ривожлантириш учун стратегик ва тактик мақсадларни аниқлаш, инновацион стратегиялар тизимини ишлаб чиқиш, инновацион ва инвеститция портфелларини шакллантириш, патент, лицензия ва “ноу-хай”лар яратиш ва жорий этиш, таваккалчилик, диверсификация жараёнларини самарали бошқариш. Бешинчидан, хизматлар соҳаси субъектлари маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш ва ҳалқаро бозор стандартларига мослаштириш орқали, уларни ташки иқтисодий фаолият жараёнларига кенг жалб этиш, замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланилган ҳолда кичик бизнесни ахборот билан таъминлаш сифатини ошириш, ҳамда инновацион фаолиятини ривожлантиришни раҳбатлантириш.

Олтинчидан, хизматлар соҳасида модернизациялаш жараёнларни фаоллаштириш, сифатли ва экспертга асосланган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий мослашувчан минитехнологияларни жорий этиш, маҳсулот сифатидан келиб чиқиб эгилувчан нарх сиёсатини амалга ошириш, бизнес субъектларининг механизмини шакллантириш. Еттинчидан, бозор иқтисодиётини ривожланаётган хозирги шароитда кичик бизнес юқори фойда берадиган иқтисодий тармоқларида ишчилар сони чегараларини ҳалқаро андозалардан келиб чиқиб қайтадан кўриб чиқиш, кичик бизнес соҳасини бошқаришни самаравали ташкил этиш учун малакали менеджерла-

## ХИЗМАТ КҮРСАТИШ

ни тайёрлаш, айниқса инновацион менежерлар билан таъминлашни кенгайтириш.

Агарда биз замонавий, илғор ва тежамкор технологиялардан фойдаланишга ҳамда товарларнинг юқори сифати ва истеъмол хусусиятларини таъминлашга хизмат қиласиган инновацион техника ва технологияларни яратиш тизимини жорий этсак, бу соҳага ёшларни жалб қиласиган ҳолда, аҳолимиzinинг ички эҳтиёжларини таъминлаш билан биргаликда, экспор қилишга хизмат қиласиган рақобатбардош, сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада кўчайтиришга эришишимиз мумкин.

Хизматлар соҳаси субъектларининг инновацион ривожланиш йўллар орқали ривожлантиришда куйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, корхоналар ходимларини рағбатлантириб уларни кўпроқ маркетинг тадқиқотларини олиб боришга жалб қилиш орқали, янги инновацион ғояларни ишлаб чиқишига йўналтириш;

Иккинчидан, ишлаётган ёш ходимлар томонидан яратилаётган инновацион лойиҳаларни амалиётда қўллашдан олдин корхона худудига тегишли жойларда синов майдончаларини ташкил этишини йўлга кўйиш;

Учинчидан, бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар учун кредитлар ва улар учун зарур ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва яратилаётган инновацион лойиҳаларни кредитлаш тизимини яратиш;

Тўртингидан, вилоятларнинг чекка туманларида ишлаб чиқаришда энг муҳим омил бўлган элэктр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва шу каби коммунал хизматлар узлуксизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш;

Бешинчидан, яратилган инновацион маҳсулотлар ва миницехлар савдо ярмаркаларини ташкил этиш;

Олтингидан, хизматлар соҳасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизmlарини шакллантириш ва шароитларни янада яхшилаш орқали келгусида четга хомашё эмас, балки юқори кўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотни экспорт қилишга эришиш.

Маълумки, дунё тажрибасида янгича тадбиркорликка асос бўлувчи "стартап бизнес" тушунчаси кенг ривожланиб бормоқда. Шу жумладан, мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишда

дастлабки қадамлар ташланди. Бу фаолият инновацион хизматлар соҳасида ҳам ривожланиб бормоқда.

Хусусан, давлат бюджетидан 50 млрд. сўм маблаг "стартап ғоялар"ни молиялаштириш ва Ўзбекистонда стартап экотизимини яратиш учун ажратилди. Бунинг натижасида бугунги кунга қадар илк бор стартап лойиҳаларни қўллаб-куватлаш ва молиялаштириш тизими шакллантирилиб, умумий қиймати 33 млрд. сўмлик 35 та стартап лойиҳалар молиялаштирилди ва рақобатбардош янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Бироқ, амалиётдаги натижалар шуни кўрсатмоқдаки, стартап лойиҳалар натижага бериши учун муҳит ҳали тўлиқ шаклланмаган, амалга оширилаётган стартап лойиҳаларнинг натижадорлиги пастлигича қолмоқда, маркетинг таҳлилларининг амалга оширганилиги сабабли стартап лойиҳаларнинг аксарият қисми бозорда ўз ўрнини эгаллаб кета олмаяпти. Муҳим жиҳатлардан яна бири, республикамиз худудларида янги ғояларга асосланган инновацион тадбиркорликка ўқитиш механизмлари мавжуд эмас ва бу тизимли йўлга кўйилмаган.

Шундан келиб чиқиб, халқаро молия ташкилотлари маблагларини жалб этган ҳолда етакчи халқаро акселерация компанияларини таклиф этиш, улар орқали авваломбор, тадбиркорларимиз ва ёшларимизни янгича инновацион бизнесга ўргатиш, стартап ғояларни амалга оширишга кўмаклашиш, шунингдек, етакчи хорижий акселерация компанияси билан "Training for trainers" механизми асосида маҳаллий мутахассислар тайёрлаш ва уларни малакасини жаҳон стандартлари асосида ошириш тизимини яратиш зарур.

Бугунги кунда инновацион тараққиётга ўтиш нафақат ресурсларни оптималлаштириш ва инновацион салоҳиятни сафарбар қилишини, балки иқтисодиётнинг институционал тузилишини тизимли трансформациялашни тақозо этади.

Шу муносабат билан миллий иқтисодиётнинг инновацион тараққиётини секинлаштириб турган тенденцияларнинг намоён бўлиши унинг энг муҳим йўналишларини белгилашда янги ёндашуввларни ишлаб чиқиши талаб қилмоқда. Бу маънода хизматлар соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг институционаллаштириш уларни бартараф этиш йўлидаги муҳим қадамdir.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. -Т.: Академия, 2006. -С.267; Зайнутдинов Ш.Н. Теория пять «И» или новая система факторов процветания государства. LAP LAMBERT Academic Publishing RU, 2018. -С. 49; Расулов А.Ф., Алимов Р. Стимулирование инновационной активности в экономике // Общество и экономика. -М.: 2007. -№5-6; Кадыров А.М. Формирование национальной инновационной системы в условиях углубления экономических реформ. Актуальные проблемы развития инновационной деятельности. Сборник научных трудов международной конференции. -Т.: 2008. С.19-21; Оценка эффективности управления экономикой. Под ред. Ш.Н.Зайнутдинова, Э.Х.Махмудова. -Т.: ТГЭУ, 2008. -С.321; Эргашев Ф., Раҳимова Д., Сагдуллаев А., Парниев О. Инновацион менеджмент. Дарслик. -Т.: Академия, 2005. -Б. 90.

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

2. Шумпетер Й. Теория экономического развития. - М.: Прогресс, 1982.
3. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. - Спб.: Питер, 2001. - С. 41. 4 Борисов А.Б. Большой экономический словарь. - М.: Книжный мир, 2000. - С. 185. 5 Медынскии В.Г. Инновационный менеджмент. - М.: ИНФРА-М, 2002. - С. 28.
4. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. - Спб.: Питер, 2004. - С. 19.
5. Попов В.Л. Управление инновационными проектами. Учебное пособие. - С.: ИНФРА-М, 2009. - С.11. (С. 337).
6. Гимуш Р. И., Матмуродов Ф. М. Инновацион менежмент: Иқтисодиёт олий ўқув юртлари учун ўқув қўл. - Т: Ўзбекистон файласувлари миллий жами-яти нашриёти, 2008. - Б. 10. (144 б.)
7. Innovation Policy A Guide for Developing Countries. The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank 1818 H Street, NW, 2010. - P.28. (P. 436.)
8. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг йиллик статистик тўпламлари. - Тошкент, 2020 й.
9. Отажонов Ш.И. Управленческие инновации на малых предприятиях. // Иқтисодиёт ва таълим. - Тошкент, 2010. - № 5. -Б. 32-36.
10. Друкер П. Эффективное управление: экономические задачи и оптимальные решения/ Пер. англ. М.Котельниковой. -М.: 2008 г. -С.288.
11. Зайнутдинов Ш. Бошарий самарадорлигини ошириш йўллари // Иқтисодиёт ва таълим. -Т: 2000. № 1.-Б.48-49.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-санли "2016-2020 йillarda хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори.
13. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования / Пер. с англ; Под ред. В.Л. Иноземцева. М.: Academia, 1993.
14. Казаков С.П. Тенденции развития сферы услуг в инновационной постиндустриальной экономике // Механизация строительства. 2012. № 6. с. 14-18.
15. "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2018 йил 28 декабр қуни Олий мажлисга Мурожаатномаси" 2018 йил 29 декабрь Халқ сўзи. 271-272.
16. Лапидус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией: учебник / -М.: ИНФРА-М, 2019. -479 с.

## ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ КОРИДОРЛАРИ КЕНГАЙИШИ ДОИРАСИДА БИР МАКОН БИР ЙЎЛ ЛОЙИҲАСИ АМАЛГА ОШИШИННИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Исмаилова Нулуфар Сабитджановна -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
"Жаҳон иқтисодиёти" кафедраси мудири  
Исаев Қобилжон Абдуқодирович -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
"Жаҳон иқтисодиёти" кафедраси катта ўқитувчи  
Ҳамидов Имомжон Иброҳимжон ўғли -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
"Жаҳон иқтисодиёти" кафедраси ассистенти**

**Аннотация:** Хитой 2013-йилда Евросиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириши мақсадида "Бир макон – бир йўл" деб номланган иқтисодий тараққиётнинг янги стратегиясини эълон қилди. Шу тарикга Хитой раиси Си Цзинпин кўн асрлик Буюк Ипак йўлени қайта тиклаш борасидаги ўз тояларини амалга оширмоқда. Лойиҳага кўра, Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Жанубий Осиё, Жанубий-Шарқий Осиё ва Европанинг айрим минтақалари молия билан таъминланади. Таҳлилчиларнинг фикрича, Янги Буюк Ипак йўлининг ташкил қилиниши Хитойни жаҳондаги етакчи давлатлардан бирига айлантиришини мақсад қилиб кўйган. Мазкур мақолада "Бир макон – бир йўл" лойиҳасининг аҳамияти, кўлами, мақсадлари ҳамда унинг Марказий Осиё жумладан Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, транспорт коридорлари шаклланиши жараёнларини таҳлил қилиш мақсад қилинган.

**Калим сўзлар:** Халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро савдо, транспорт коридорлари, Хитой, Марказий Осиё, Буюк Ипак йўли

## СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В РЕАЛИЗАЦИИ ПРОЕКТА ОДНОГО ПОЯСА И ОДНОЙ ДОРОГИ ДЛЯ РАСШИРЕНИЯ ТРАНСПОРТНЫХ КОРИДОРОВ УЗБЕКИСТАНА

**Аннотация:** В 2013 году Китай объявил о новой стратегии экономического развития под названием "Один пояс - один путь" для расширения сотрудничества между странами Евразии. Таким образом, председатель КНР Си Цзинпин реализует свои идеи по возрождению многовекового Великого шелкового пути. Согласно проекту, будут профинансированы Центральная Азия, Ближний Восток, Южная Азия, Юго-Восточная Азия и некоторые регионы Европы. По мнению аналитиков, создание Нового Великого шелкового пути направлено на то, чтобы сделать Китай одной из ведущих держав мира. Данная статья направлена на анализ значимости, масштабов, целей проекта "Один пояс - один путь" и его влияния на экономику Центральной Азии, в том числе Узбекистана, формирование транспортных коридоров.

**Ключевые слова:** международные экономические отношения, международная торговля, транспортные коридоры, Китай, Центральная Азия, Великий шелковый путь.